АБДУЛЛАЕВ Сарвар Сабитович
Ал-Фараганус университети доценти, фалсафа фанлари номзоди

ТАҚДИР ТУШУНЧАСИ, УНГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ ВА ИНСОНДАГИ ИХТИЁР ЭРКИНЛИГИ МАСАЛАСИ

ПОНЯТИЕ СУДЬБЫ, ОТНОШЕНИЕ К НЕЙ И ПРОБЛЕМА СВОБОДНОЙ ВОЛИ ЧЕЛОВЕКА

THE CONCEPT OF FATE, THE ATTITUDE TOWARDS IT, AND THE PROBLEM OF HUMAN FREE WILL

Аннотация. *Ушбу мақолада тақдир тушунчаси борасидаги айрим файласуфлар фикрларини илмий ўрганиб қиёслаш ва шу асосда жамиятда тақдир ва инсон ихтиёр эркинлиги масаласи бўйича илмий хулосалар қилиш мақсад қилиб олинди. Тақдир борасида гап кетганда ҳамма нарса олдиндан илоҳий тарзда битиб қўйилган бўлса, инсонда ихтиёр эркинлиги йўқми; иккинчиси, инсон эркин бўлса, тақдир битиги нима? Бу саволларга айрим фалсафий мактаблар ва мутафаккирлар фикрини ўрганиш билан илмий хулосалар қилиш муҳим ва долзарбдир. Тақдир тушунчасининг бевосита диний таълимотдан экани ва жамиятда инсонлар дунёқарашига таъсири нуқтаи назаридан, айрим хулосалар диний матн ва жамиятда машҳурлик топган файласуф-адиблар фикри билан ҳам қиёсланди.*

Калит сўз ва иборалар: *тақдир, олам ва одам, ихтиёр, Шопенгауэр, Кант.*

Аннотация. *Цель данной статьи – научно изучить и сопоставить взгляды некоторых философов на концепцию судьбы (предопределения) и на этой основе сделать научные выводы относительно вопроса о судьбе и свободе воли человека в обществе. Когда речь заходит о судьбе, возникают ключевые вопросы: во-первых, если все заранее предопределено свыше, существует ли у человека свобода воли? Во-вторых, если человек свободен, то в чем смысл предначертанной судьбы? Сделать научные выводы по этим вопросам путем изучения мнений различных философских школ и мыслителей является важным и актуальным. Учитывая, что понятие судьбы происходит непосредственно из религиозных учений и влияет на мировоззрение людей в обществе, некоторые выводы в статье также сопоставляются с религиозными текстами и мнениями известных в обществе философов и писателей.*

Ключевые слова и фразы: *судьба, вселенная и человек, благоразумие, Шопенгауэр, Кант.*

Annotation. *The purpose of this article is to scientifically study and compare the views of certain philosophers regarding the concept of destiny (taqdir) and, based on this, to draw scientific conclusions concerning the issue of destiny and human free will (ixtiyor erkinligi) in society. When the topic of destiny arises, [two questions emerge]: Firstly, if everything has been divinely predetermined, does human free will not exist? Secondly, if humans are free, what then is the meaning of predetermined destiny? It is important and relevant to derive scientific conclusions regarding these questions by studying the views of various philosophical schools and thinkers. Considering that the concept of destiny originates directly from religious teaching and in view of its influence on people's worldviews within society, some conclusions are also compared with religious texts and the views of philosopher-writers who have gained prominence in society.*

Key words and phrases: *fate, the universe and man, prudence, Schopenhauer, Kant.*

КИРИШ

Тақдир ҳақида гап кетганди дастлаб фикрлар икки гуруҳга бўлинади: Биринчи. Оламдаги барча ишлар тақдирий, ҳатто оламнинг яралаши ҳам. Иккинчи. Ҳеч нарса олдиндан белгиланмаган, оламнинг яралиши тасодифдир.

Биз бу ўринда ҳар икки фикрни умумлаштириб таърифладик. Аслида буларнинг ҳар бири ҳам турли қарашларда шаҳобчаланади. Масалан, биринчи қараш деярли барча диний фалсафаларда мавжуд лекин ҳар бир дин бу борада ўзига хос фикрини айтган. Шу сабабдан улар фикрини айнан уйғун деб бўлмайди. Иккинчи фикр тарафдорлари дунёвий қарашга асосланади. Аммо улар ҳам бир фикрда собит эмаслар. Жумладан, кимдир инсон ўз тақдирини ўзи белгилайди деса, яна кимдир тақдирдан қутилиб бўлмайди дейди. Бошқаси эса тақдирнинг кўзи кўр дейди.

Ўрганилаётган масалада тадқиқот олиб борган россиялик олим С.С.Аверинцев шундай дейди: «тақдир» сўзи афсонавийдир

ва афсонавий (мифологик) категориялар афсонавий онг маҳсули бўлиб, ўз навбатида ғайри илмий тушунча ҳисобланади. Илоҳиётга асосланган қарашлар устувор бўлган ўринларда “тақдир” тушунчасини афсонавий ва фалсафий дунёқарашдан кўра, ҳаётий тушунча сифатида тушуниш лозим [1:159]. Олимнинг фикридан шу равшан бўладики, дин ва диний таълимотларни илмдан ташқарида билувчи, аксари атеистик таълимотга асосланган дунёқараш эгалари наздида тақдир ғайри илмий категориядир. Аммо, диний таълимотга эътиқод сифатида имон келтирганлар тақдирнинг Аллоҳ томонидан аввалдан белгиланганига ва бу белгиланган тақдир инсонни ихтиёрсиз қолдирмаслигига, шу сабаб киши онгли равишда ўз инон-ихтиёри билан амалга оширган ишлари юзасидан жавобгар бўлишига ва энг муҳими ўз ихтиёри билан бажарган яхши ишларига мукофот, ёмон ишларига жазо олишига имон келтирадилар.

МУНОЗАРА

Тақдир борасида антик давр файласуфларининг кўпчилиги “тақдир”ни инкор қилганлар. Оламдаги ҳодисаларни тасодиф деб баҳолаганлар. Жумладан Суқрот: Тақдир бу афиналиклар сиғинадиган худолар тушунчасидандир. Бошқача қилиб айтганда, тақдирни берган худоларга ҳам, уларга сиғинадиган одамларга ҳам қаратилган жиддий психологик раддиялар етарли. Суқрот инсон эркинлиги масаласида бош омил сифатида ҳар бир инсоннинг ўз психологик вазиятини биринчи ўринга қўяди. У эркинлик ҳар бир одамда борлигини таъкидлаш билан бир қаторда баъзи одамлар ўзини тақдир қўлига тутқазиб қўяди, дейди. Инсоннинг қуллиги ёки озодлиги унинг тақдири эмас, балки танлови эканини таъкидлайди. Ҳолбуки, Суқрот яшаган даврда қуллар асосан урушларда олинган ҳарбий асирлар ва қарзини тўлай олмаган аҳоли ҳисобидан шаклланган. Файласуф ўша урушда асир тушган ёки қарз туфайли қулга айланган киши ўз келажаги учун етарли даражада қайғурмаган ва эркини йўқотган деб ҳисоблар экан, инсон ўз эркини ўзи қозониши кераклигини айтади [9:5].

Суқротнинг қарашлари қадимги юнон файласуфларининг деярли барчаси ғояларида танқидга учрамаган. Жумладан, Арасту тақдир масаласига сабабият нуқтасидан қарайди. Унинг фикрига кўра, оламда ҳеч бир нарса тасодиф эмас, айни вақтда тақдирий ҳам эмас. Балки ҳар бир оқибатнинг сабаби бордир. Масалан, фарзанднинг ота онадан, тухумнинг товуқдан вужудга келиши каби. Лекин у сабабларнинг сабаби, ёки биринчи сабабга келганда тараддуланган ҳолда, яъни қатъий бўлмаган тарзда масалани худоларга тақайди [2:35]. Унинг фикрини кейинчалик аждодимиз Абу Наср Форобий қатъийлаштиради. Олим Арастунинг Метафизика асарини шарҳлар экан, ўзининг ислом ақидасидан келиб чиқувчи билимларини Арасту таъкидлаган сабаб ва оқибат категорияси билан бирлаштирган. Яъни бош омил сифатида сабабул-вужуд (мавжудлик сабаби), вожибул-вужуд (борлиги иложсиз) атамалари асосида ягона Яратувчи Аллоҳни эътироф этади [10:45].

Анитик давр файласуфларининг фикрини умумлаштирган ҳолда яна бир бошқа россиялик олим О.Ф.Кудрявцев қуйидагиларни ёзади: тақдир тасодифийлик аспектидандир. Инсон ўз ҳаёт йўлини яратувчиси ҳисобланади ва унинг фаолияти туфайли вазиятлар яхши ёки ёмон томонга бурилиши мумкин. Фортуна (тақдир) «бутун борлиқда ўзини нолойиқ, ачинарли махлуқ деб ҳисобловчи ўрта аср кишиси онгидаги мувозанатни бузиб юбориб, онгли равишда барча нарсалар тақдирдан деган тушунча»ни беради [4:55].

Олим тадқиқотига эътибор қаратилса, антик давр файласуфлари “тақдир”ни инкор қилганлар. Лекин, биз ўша давр оралиғида битилган Софоклнинг “Шоҳ Эдип” асари ғояси тақдирдан қочиб бўлмаслик ғоясига асосланганини кўрамиз. Тўғри, бадиий асар илмийликни тўлиқ асослаб бермайди (!). Бироқ ҳар қандай бадиий адабиётнинг ғоявий таъсирчанлиги энг аввало унинг ҳаёт билан ҳамнафаслигида эканидан хулоса қилсак, антик даврда “тақдир”нинг инсон ихтиёридан ташқарида экани тушунчаси ҳам кенг тарқалган деган хулосага келиш мумкин.

Инсон эркинлиги ва тақдир тушунчаси моҳиятида ётувчи ғайри табиий (ғайб) масаларини ўрганиш мақсадида унинг таркибий қисмлари бўлган инсон ва инсоният тараққиётининг зоҳирий ва ботиний омиллари таҳлили билан биргаликда ўрганиш талаб этилади. Бунда инсон тақдири муаммосини

ISSN 2181-9572

фалсафий-анртопологик ёндошув асосида ўрганиш муҳим ҳисобланади. Масалан, Чарлз Дарвин гипотезасига кўра, оламдаги барча мавжудотлар эволюцион асосда такомилига етиб, инсон пайдо бўлган. Бу фикрни ҳақиқат деб ҳисобловчи диндан узоқ фалсафий таълимотлар ана шу эволюцияни ҳам тасодиф ва сабаб ва оқибатлар занжири деб қарайдилар.

Немис файласуфи И.Кант тақдир тўғрисида шундай фикр билдиради: Тақдир инсоният эришиши керак бўлган якуний мақсадни англатади. У бир пайтни ўзида тақдирни инкор қилади лекин унинг мавжудлигини ҳам тан олади. Унинг фикрича, бир инсон сувда чўкиб ўлса, тақдирда унинг сувда чўкиб ўлиши белгиланган бўлади. Аммо бу фикрини илмий исботлашга ҳаракат қилмаган [5:6].

Тақдир мавзуси анъанавий иррационализм ва ноклассик фалсафада анча юқори мақомга эга бўлганини эътироф этиш лозим. Тақдир таълимоти тўғрисидаги кейинги романтизм мактаби унинг "олдиндан мақсад қилинган" эканини ёқлаб чиқади. А.Шопенгауэрнинг «тақдирни севиш» [13:105], Ф.Ницшенинг шунга ҳамоҳанг "тақдирга бўйсуниш" [14:200] ғоялари фикримиз далили бўла олади. Ф.В.Шеллингнинг қарашларида «тақдир», «кўр тақдир»дан «олдиндан башорат қилиш»гача бўлган уч босқични босиб ўтади [14:263]. Эътибор қилинса, юқоридаги уч файласуфнинг тақдир борасидаги қарашлари аввало ўз кузатувлари, тажрибалари ва ўрганган билимлари доирасида бўлиб, масалага бир ёқлама ёндошаётганларини кўрсатади. Ҳолбуки, романтизм мактабига хос қараш бўлган, "олдиндан мақсад қилинган" тушунчани ислом динида тақдирнинг инсон ва жамият, халқлар ва оламлар ҳаётига таъсири масаласига бир қадар мувофиқ келишини кузатамиз. Ҳар бир инсон ҳаёти тасодифларга тўла дейимиз, аммо шу-тасодифлар тасодиф эмас, тақдирнинг биз юриб борадиган йўллари десак, хатодан холи бўлмайди.

Таъбир жоиз бўлса, ёзувчилар ўз қаҳрамонларининг тақдирини чизиб қўядилар, аммо қаҳрамонлар ўз ихтиёрлари билан ўша пировард ёзувчи кўзлаган манзилга етиб келадиларми, айрим ёзувчилар сюжет линияси аниқ бўлса-да аҳёнда бўлса ҳам, ўз қаҳрамонлари характеридан келиб чиқиб, уларни "ўз ихтиёрига қўядилар". Буни аксар адиблар баъзан ошкор, баъзан пинҳон тан олганлар. Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов талабчан устози Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларида бир воқеани сўзлагандилар.

Бир куни устоз Абдулла Қаҳҳор шогирдлари олдига бир салмоқлигина давфтарни қўйиб, айтибдилар: "Тобутдан товуш" спектакли қаҳрамонлари учун топиб қўйган "теша тегмаган" иборалар эди. Эркин Воҳидов дафтарни қўлга олиб, кўз югуртирсалар, ҳақиқатда ажойиб сўз ва иборалар билан тўла экан. Бу билан айтамизки бадиий асар муаллифи ҳам ўз қаҳрамонлари характерини шакллантиришда табиий танлов бўлишини истайдилар. Аммо таъкидлаш лозимки, бадиий асар илмий моҳиятни фундаментал белгилаб берувчи омил эмас(!).

Юқоридаги мисолдан айтилмоқчи бўлган фикр, инсонга берилган ихтиёр, танлов эркинлиги унга масъулият юклайди. Янги давр файласуфлари орасида "тақдир қўлида ўйинчоқ бўлмаслик" ёки "қилар ишни қилиб, тақдирни сабаб қилиш, яъни масъулиятдан қочиш" вазиятлари танқид қилинади [3:3]. Олим бу фақат масъулиятдан қочиш ва ўз айбини камайтиришга уриниш деб баҳолайди.

Исломда тақдирнинг яхшилигу ёмонлиги Аллоҳдан эканига имон келтириш, имоннинг таркибий қисми экани келтирилади. Шу сабаб тақдирга ишонмаган кишининг имони мукаммал бўлмаслиги уқтирилади. Шунинг учун биз истамаган ҳолат кимнинг ёки ниманинг сабабидан бўлдими бу аввало тақдир ёки эришган ютуғимиз кимнинг ёки ниманингдир сабабидан бўлса ҳам бу тақдир. Мўминдан бу ўринларда талаб қилинадиган нарса – сабр ёки шукрдир. Бинобарин ҳолатни таҳлил қилиб, кейинги сафар мувоффақият учун замин ҳозирлаш ҳам мумкин.

Энди А.Шопенгауэрнинг «тақдирни севиш» фикри қайсидир маънода ундан рози бўлиш тушунчасини келтириб чиқариши табиий. Чунки бирон бир бизга ёқмаган ҳодиса рўй берди. Уни ўзгартириб бўлмайди. Энди ана шундай вазият қайта содир бўлмаслиги учун сабабларни тўғри таҳлил қилиш лозим. Лекин кўпинча одамлар сабабларни таҳлил қилишга эринадилар. Тақдир экан, деб уни қабул қиладилар. Олим «тақдирни севиш» деганда

ҳар қандай ёқимсиз вазият инсон учун тажриба эканлигини таъкидламоқда.

Ф.В.Шеллингнинг «тақдир», «кўр тақдир», «олдиндан башорат»дан иборат бўлган уч босқични босиб ўтиш тушунчаси ўз ичига бир қадар ҳақиқатни олади. Жумладан, бир инсоннинг маълум бир макон ва замонда дунёга келиши - "тақдир", у номуносиб оилада туғилиб, кун келиб катта мувоффақиятга эришиши – "кўр тақдир", ана шу мувоффақияти "олдиндан башорат қилиниши" ҳаётда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар тасодиф эмаслигига далолат этади. Кўпинча бунинг аксини ҳам кузатишимиз мумкин. Жумладан, жамиятда обрў-эътиборли хонадон фарзанди ўта ноқобил бўлиб вояга етиши ҳам мумкин. Буни ҳам тақдир деймиз.

Шу ўринда асрлар давомида ўз моҳиятини йўқотмаган бир мақолни инобатга олайлик: "Қуш уясида кўрганини қилади", русларда "Яблока от яблони далеко не падает" деган ҳикмати ҳам бор. Умуман бундай мақол дунёдаги барча халқларда бўлса керак. Чунки, унинг замирида ҳақиқат ётади. Шундай экан, инсон тақдирида оила муҳити, ундаги тарбия ҳам аҳамият касб этади. Зеро, илоҳий матнларда ҳам шу каби ҳикматлар келтирилади: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилади. Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда қулоқ-бурни кесилганини ҳис қилганмисиз?" дедилар. Инсон тарбиясида диний матнлар ва инсоний қадриятлар тарбиянинг роли муҳим экани хулосасини берсада, тақдир борасида ҳеч ким олдиндан бирон нарсани аниқ қилиб айтиб беролмайди. Шу сабабдан барча даврлардаги мутафаккирларнинг бу борадаги фикрлари турличадир.

Ана шундай файласуфлардан яна бири Г.Зиммел ҳаёт фалсафаси доирасида тақдир ҳақидаги тасаввурини «тахминий умумлашган маъно» деб баҳолайди. Яъни олимнинг тақдир борасидаги тасаввури фақат тахминлар устига қурилган. У ўз кузатишлари асосида қатъий равишда тақдирни бор ҳам йўқ ҳам дея қатъий айта олмайди. Шу сабадан тақдир тушунчасини фалсафий эмас, филологик жиҳатларини англатувчи маъноларига умумий баҳо беради [11:72]. Айтайлик, ўзбек тилида тақдир сўзининг рағбатлантириш маъноси ҳам бор. Бундан ташқари, Қуръони карим оятларида тақдир сўзи кўпинча "миқдор", "ўлчов" маъноларини беради: وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً بِقَدَرٍ– "Биз осмондан (аниқ) ўлчов билан сув (ёмғир, қор) ёғдирдик" (23:18).

Шунингдек О.Шпенглер [15:102] тақдир борасида шундай фикрни олға суради: «сабабият тақдирнинг тикланавувчи, ўлувчи, қотиб қолувчи муҳокама шаклидир». Файласуф юқоридаги фикрларни ўз кузатувлари асосида берганлиги кўриниб турибди. Чунки, бу мулоҳаза тақдир тушунчасига тор қараш билан берилган.

Тақдир муаммоси "Одамнинг коинотдаги мақоми" тадқиқотида М.Шеллертомонидан ўзига хос ёритиб берилган [11:320]: "инсоннинг натуралистик тушунчасидаги "виталистик" ижодий куч - биз уни руҳ (ёки олий онг) деб атайдиган нарса эмаслигини англашнинг юқори даражасига эга, аммо руҳнинг биз учун қоронғу (номаълум) кучи ва бу жараён – тақдир (у бир одамга оидми ёки одамлар жамоасига) асосан, бу жараёнларнинг давомийлигига ва уларнинг рамзий талқинига боғлиқ. Бу жиҳатдан тақдир тарих воқеаларига ҳам таъсир этади" [11:56]. Кўриниб турибдики, олим масалага ўз шахсий маслаги асосида ёндошмоқда, яъни-антропологик фалсафа ғоясидан келиб чиққан. Бу албатта, юқорида кўрилган фикрлардан бир мунча фарқ қилса ҳам, тақдир масаласини умуман инкор қилмайди. Аммо, илоҳиётдан бехабарлиги, уни руҳ, ғайб илми, худо тушунчалари борасида мавҳумликка солади. Олим буни ўз сўзи билан эътироф ҳам қилмоқда. Айни чоғда тақдирнинг инсонларга ва инсонлар жамоасига таъсирини ҳам эътироф қилгани кўринади.

Одатда антрополог олимлар воқеалар силсиласини, инсониятнинг бугунги кунини бевосита қадимдан келаётган занжирга боғлаб тасаввур қиладилар. Тўғри, олам ҳам одам ҳам яратилгандан буён ўзининг ўзагрмас қонуниятларига эга. Лекин олам ҳам одам ҳам моддий ва маънаий ўзгаришларни бошидан ўтказади. Ўзгаришларни кўпинча сабаб ва оқибат категорияси орқали файласуфлар тушунтирадилар. Лекин шундай вазиятлар борки, сабаблари бир хил бўлган умуман турли оқибатларни гувоҳи бўлиш мумкин. Ана шу

ISSN 2181-9572

аслида тақдирдир. Шу сабабдан барча фалсафий мактаблар тақдирнинг илмийлиги асослашдан ожиз қолганлар.

Бошқа тарафдан эса Э.Фромм, В.Франкл, К.Юнг [11:182] асарларида тақдир масаласига табиий ва ижтимоий-маданий имкониятларни амалга ошириш жараёни сифатида қаралган. Тақдирни фактлар асосида, ўз ҳолига ташланган нарса деб, чекка вазиятлар сифатида кўриш Ж.-П.Сартр, М.Хайдеггер, К.Ясперснинг экзистенциализмида кўзга ташланади [11:183]. Бу ўринда икки гуруҳдаги олти файласуф номлари фақат тақдир борасида хулосалари яқин эканлиги нуқтаи назаридандир. Улар тақдирга муносабни кишиларнинг табиий ва ижтимоий-маданий имкониятлари билан боғламоқчи бўладилар. Яъни киши тақдирга ишонмаслиги мумкин лекин жамиятда тақдир деган тушунча, хоҳласа хоҳламаса мавжуд. У шу жамият вакили сифатида тақдир тушунчасининг барча шаклларини баъзан ихтиёрий баъзан беихтиёр қабул қилади. Мисол учун, Сталин атеист бўлган, шундан келиб чиқилса, тақдирни инкор қилган. Аммо (экстрасенс) Волф Мессинг башорати билан ўғлини авиаҳалокатдан олиб қолган. Бу борадаги ҳужжатли материалларда, Сталиннинг Берия билан маслаҳатлашуви сақланиб қолган. Унга кўра, Сталин ўз атеистик ғоясига садоқати ва башорат ҳақиқати орасида қаттиқ тараддуд ҳолатига тушган. Чунки, Волф Мессинг башоратлари жамият орасида сингиб улгурган эди.

Яна бир гуруҳ – Юм Вольф каби олимлар борлиқнинг олдиндан белгиланган уйғунлик асосидаги ривожланиши фикрига таянадилар. Бу идеализмдаги “борлиқ тақдири”нинг уни илоҳий яратилиши прниципи билан боғловчи анъана ҳисобланади [17:155]. Юм Вольф фикрлари христианликдаги тақдир тушунчасидан таъсирланган. Лекин у ҳам тақдирни илмий асослашга етарли далил келтира олмаган. Унинг фикрича тақдир тўғрисидаги хулосалар шу қадар чалкашки, уларни умумлаштирмай, тугал фикрга келиб бўлмайди.

ХУЛОСА

Мақолада келтирилган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак:

1) Файласуфларнинг тақдир ҳақидаги фикрлари икки турлидир: Биринчи**.** Оламдаги барча ишлар тақдирий, ҳатто оламнинг яралаши ҳам. Иккинчи. Ҳеч нарса олдиндан белгиланмаган, оламнинг яралиши тасодифдир.

2) Аммо уларнинг ҳар бири ҳам турли қарашлардан иборат. Тақдир диний фалсафаларда мавжуд аммо дин илм эмас. Шу сабабдан улар фикрини айнан уйғун деб бўлмайди. Аммо улар ҳам бир бу борада аниқ фикрда собит эмас.

3) Тақдир борасида антик давр файласуфларидан бўлган Суқрот: Тақдир бу афиналиклар сиғинадиган худолар тушунчасидандир. Бошқача қилиб айтганда, тақдирни берган худоларга ҳам, уларга сиғинадиган одамларга ҳам қаратилган жиддий психологик раддиялар етарли. Суқрот инсон эркинлиги масаласида бош омил сифатида ҳар бир инсоннинг ўз психологик вазиятини биринчи ўринга қўяди.

4) Арасту тақдир масаласига сабабият нуқтасидан қарайди. Унинг фикрига кўра, оламда ҳеч бир нарса тасодиф эмас, айни вақтда тақдирий ҳам эмас. Балки ҳар бир оқибатнинг сабаби бордир.

5) О.Ф.Кудрявцевга кўра, антик давр файласуфларининг тақдир борасидаги фикрларини, тақдир тасодифийлик аспектидандир. Инсон ўз ҳаёт йўлини яратувчиси ҳисобланади ва унинг фаолияти туфайли вазиятлар яхши ёки ёмон томонга бурилиши мумкин, деб ҳисоблайди

6) Инсон эркинлиги ва тақдир тушунчаси моҳиятида ётувчи ғайри табиий (ғайб) масаларини ўрганиш мақсадида унинг таркибий қисмлари бўлган инсон ва инсоният тараққиётининг зоҳирий ва ботиний омиллари таҳлили билан биргаликда ўрганиш талаб этилади.

7) И.Кантга кўра, тақдир тўғрисида шундай фикр билдиради: Тақдир инсоният эришиши керак бўлган якуний мақсадни англатади. У бир пайтни ўзида тақдирни инкор қилади лекин унинг мавжудлигини ҳам тан олади.

8) Тақдир мавзуси анъанавий иррационализм ва ноклассик фалсафада анча юқори мақомга эга.

9) С.С.Аверинцевга кўра, «тақдир» сўзи афсонавийдир ва афсонавий (мифологик) категориялар афсонавий онг маҳсули бўлиб, ўз навбатида ғайри илмий тушунча ҳисобланади. Илоҳиётга асосланган қарашлар устувор бўлган ўринларда “тақдир” тушунчасини афсонавий ва фалсафий дунёқарашдан кўра ҳаётий тушунча сифатида тушуниш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аверинцев С., Судьба // Философская энциклопедия: в 5т. / С. Аверинцев. – М.. 1970. – Т. 5
2. Гуревич А.Я. Исторический синтез и школа «анналов». -М.: 1993.
3. Домбровский Ю.О. В чём заключается ответственность за свои поступки? https://4ege.ru/gia-po-russkomu-jazyku/59365-sochinenie-93-v-chem-zaklyuchaetsya-otvetstvennost-za-svoi-postupki.html.
4. Кудрявцев О.Ф./Античные представления о фортуне в ренессансном мировоззрении // Античное наследие в культуре Возрождения. – М.: Наука, 1984.
5. Elliot Stephenson. Kant and The Destiny of Humanity. https://digitalrepository.trincoll.edu/. 2012.
6. Немецкая классическая философия. Том 1. Право и свобода (сборник) Фридрих Шеллинг, livelib.ru. https://www.livelib.ru/book/1000510143.
7. Сартр Ж.-П. Избранные произведения. – М.: Республика, 1994; Хайдеггер М. Время-и бытие. – М.: Республика,. 1993; Хайдеггер М. Письмо о гуманизме // Проблема человека в западной философии; – М.: Прогресс, 1988; Ясперс К. Духовная ситуация времени //Смысл и назначение истории. – М.: Республика, 1991; Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М., 1994.
8. Трубецкой Е. Н. Философия Ницше. – М.: 1904.
9. Трунов Д.Г. Сократ «деструктивный» (психоаналитическая фантазия)// Консультативная психология и психотерапия. 2007. Том 15. № 1 ISSN: 2075-3470 / 2311-9446.
10. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. М.Хайруллаев таржимаси. Т.: 1994.
11. Формальная социология Г. Зиммеля // Громов И. А., Мацкевич А. Ю., Семёнов В. А. Западная теоретическая социология. – М.: 1996. – 286 с.
12. Шпенглер Освальд (1880-1936). Немис тарихчи файласуфи, миллатчи-консерватив йўналишидаги публицист.
13. А.Шопенгауэр. Мир как воля и представление. Дополнение к первому тому. Дополнения к 4-й книге.
14. Шопенгауэр А. О ничтожестве и горечах жизни // Шопенгауэр А. Избр. произв. – М., 1992; Шопенгауэр А. Смерть и ее отношение к неразрушимости нашего существа // Шопенгауэр А. Избранные произведения. – М., 1992. Человек: образ и сущность. Вып. 2. -М.-ИНИОН, 1991; Шелер М. Ordo amoris (1914) // Избранные произведения-М. 1994.
15. Max Scheler. «Die Stellung des Menschen im Kosmos», 1928.
16. Фромм Э. Духовная сущность человека // Философские науки. – М.,1990.-№ 8, № 9; Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992; Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – М.: Республика, 1994; Фромм Э. Бегство от свободы. – М.: Прогресс, 1996; Фромм Э. Иметь или быть? – М., 1986.; Фромм Э.; Хирау Р. Предисловием антологии “Природа человека” // Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. – М., 1990; Франки В. Человек в поисках смысла. – М: Прогресс, 1990; Юнг К. Г. Об архетипах коллективного бессознательного // Вопросы философии. – М., 1998.-№ 1; Юнг К.Г. Ответ Иову. – М.: ООО «Издательство АСТ», «Канон», 2001; Юнг К.Г. Воспоминания, сновидения, размышления. – Мн.: ООО «Харвест», 2003.
17. Черкозьянова Т.В. Онтологический статус судьбы в субъективном идеализме // Вестник ОГУ №4 (123)/апрель, 2011.

ISSN 2181-9572